Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 223 (21. 090) 1991 йил 19 ноябрь, сешанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясида.
Суратларни «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири В. МОЛГАЧЕВ олган.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

18 ноябрь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси иш бошлади.

Сессияни Олий Кенгаш Раиси Ш. М. Йўлдошев кириш нутқи сўзлаб очди.

Депутатлар сессия котибиятини сайладилар ва сессия кун тартибини тасдиқладилар. Олий Кенгаш муҳокамасига 29 та масала киритилган.

Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги, ногиронларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги, мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, давлатнинг ёшларга доир сиёсати асослари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тамғаси тўғрисидаги, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги, ҳакамлик суди ва давлат низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар бор.

Давлат байроғи тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият масалалари комитетининг раиси П. Қ. Қодиров сўзга чиқди. Муҳокамадан сўнг Қонун қабул қилинди.

Иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартнома ҳақида, мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳаси ҳақида, Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикаси, Украина, Беларусь Республикаси билан тузган давлатлараро шартномаларни тасдиқлаш ҳақида, РСФСР билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий битим ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Олий Кенгаш давлатлараро шартномаларни тасдиқлади.

Депутатлар қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Халиловнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги ва референдуми ҳақидаги қонунларнинг лойиҳалари тўғрисидаги масалалар юзасидан қилган маърузаларини тингладилар.

Моддама-модда муҳокама қилингандан сўнг қонунлар қабул қилинди. Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини 1991 йил 29 декабрга тайинлади. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум, шунингдек Тошкент шаҳри ҳокимининг сайлови ҳам ўтказилади.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси назорат палатасини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган Қонун лойиҳаси ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясаниши ҳақида»ги Қонун лойиҳаси тўғрисида фахрийлар ва ногиронлар ишлари комитетининг раиси Р. Ҳ. Абдуллаев маъруза қилди. Бу Қонун ҳам қабул этилди.

Депутатлар «Мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар. Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзиниўзи бошқариш комитетининг раиси Э. Н. Хўжаев маъруза қилди.

Музокараларда халқ депутатларидан С. Бобомуродов, А. Исаев, Ҳ. М. Мансуров, М. Саидов, Т. Ҳошимов, А. Юсупов, К. А. Исроилов, Э. Ҳакимов, Ҳ. З. Низомиддинов сўзга чиқдилар.

Олий Кенгаш сессияси ўз ишини давом эттиради.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ ТУЗИЛДИ

17 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари бўлган Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатларининг йиғилиши бўлиб ўтди, йиғилишда ана шу партиянинг республика Олий Кенгашидаги аъзолари фракцияси тузилди. Халқ депутатлари М. М. Расулов билан А. Ғ. Ғуломмаҳмудов фракциянинг раиси ва ҳамраиси этиб сайландилар. Парламент фракцияси кенгашига Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган депутатлар партия гуруҳлари раҳбарлари кирдилар. Фракция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, сайловчиларнинг фуқаролар тотувлигини, миллий тотувликни мустаҳкамлашга, республика халқларининг, ҳар бир оила ва ҳар бир кишининг фаровонлигига эришишга қаратилган наказларига ва Халқ демократик партиясининг Дастурига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 1991 йил 29 декабрь, якшанба кунига белгиласин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 24 мартда сайлаган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг ваколатлари умумхалқ сайловида ғолиб чиққан президентликка номзод Ўз вазифасини бажаришга киришган куни тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. 1991 йил 29 декабрь, якшанба куни Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилсин.

2. Референдумда овоз бериш бюллетенига масала қуйидаги таърифда киритилсин: «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?».

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НИЗОМИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Маълумки, биринчи ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Таъсис съезди бўлган эди. Унда партиянинг Дастури ва Низоми тасдиқланган, раҳбар органлари сайланганди. Мана энди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг мажлисида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Низоми рўйхатга олинди.

Ўзбекистон «Прометей» ватанпарварлик қидирув бирлашмасининг, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг, «Моваароуннаҳр» ҳайрия уюшмасининг Низомлари ҳам рўйхатга олинди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАНИНГ ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИДАГИ АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА МАДАД БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси моддий ва ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан ва уй-жой коммунал тармоқлар (номоддий ишлаб чиқариш соҳалари) ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 40—50 фоиз оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари студентларининг, техникумлар ҳамда Республика ҳукуматининг қарорларига биноан кийим-кечак ва овқат билан таъминланмаётган ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг стипендиялари 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб ўрта ҳисобда 30 фоиз оширилиб, имтиёзли овқатланишга қўшимча ҳақ аввалги миқдорда сақлаб қолинсин,

3. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг кам миқдори ойига 200 сўм ҳажмида белгиласин. Бунда ишламайдиган пенсионерларга бериладиган ойлик компенсация тўловлари аввалги миқдорда сақлаб қолинсин.

4. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг кам миқдори ойига 200 сўм ҳажмида белгиласин,

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчилари, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш ҳақида»ги 1990 йил 13 ноябрь Фармони 1992 йил 1 январидан бошлаб республика ҳунар-техника таълими системаси ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ҳам жорий этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини тайёрласин ва кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддат ичида амалдаги қонунчиликни мазкур Фармонга мувофиқлаштириш ҳақида таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 16 ноябрь.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти чиқарган ушбу Фармон бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб даврида Республика аҳолисининг моддий ва ижтимоий турмуш шароитини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Бозор муносабатларининг қарор топиши оғир кечадиган жараён бўлиб, таркиб топган хўжалик алоқалари издан чиқмоқда, нарх-наво қимматлашмоқда ва кўпгина истеъмол моллари тақчил бўлмоқда. Шундай қийин шароитда ва аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида аҳоли барча тоифаларини ва биринчи галда энг камбағал табақалари — пенсионерлар, ногиронлар, ўқувчи ёшлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Кейинги вақтнинг ўзидагина умумий таълим мактаблари, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг, илмий ходимлар, соғлиқни сақлаш ва маданият ходимларининг маошлари қайта кўриб чиқилди. Аспирантлар, талабалар ҳамда техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари миқдори кўпайтирилди.

Пенсиялар ва нафақалар миқдори оширилди, болаларга тўланадиган нафақаларнинг янги турлари жорий этилди. Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари, байналмилалчи жангчилар, пенсионерлар, ўқитувчилар ва болалар уйларининг тарбиячилари коммунал хизматлардан, транспортдан фойдаланишлари учун қўшимча имтиёзлар белгиланди.

Республика аҳолисини қатъий нархларда сотиладиган энг зарур моллар билан меъёрланган тарзда таъминлаш жорий этилди. Мактаб формаси ва болалар пойабзалининг чакана нархлари арзонлаштирилди. Нарх-наво ошганлиги муносабати билан компенсацияларнинг энг кам миқдори 100 сўмга етказилди.

Ўз вақтида қабул қилинган ана шу ва бошқа тадбирлар чакана нархлар ислоҳ қилинишининг салбий оқибатларини бирмунча пасайтириш имконини берди, жумҳуриятимиз аҳолиси турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймади.

Айни вақтда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бугунги кунда давлат таъминотидаги ва қатъий белгиланган даромадга эга бўлган ҳамда қўшимча иш ҳақи олиш имконияти чекланган кишиларнинг аҳволи ҳамон қийин бўлиб қолмоқда. Бу энг аввало ишламаётган пенсионерлар, студентлар, ноишлаб чиқариш соҳасининг ходимларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу Фармони аҳолининг айни ана шу тоифасини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни кучайтиришга қаратилган. Фармонга биноан 1992 йилнинг январидан бошлаб республика аҳолиси катта қисмининг турмуш даражасига мадад беришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни жорий этиш кўзда тутилади.

Белгиланган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш натижасида халқ таълими, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, ижтимоий таъминот, уй-жой-коммунал хўжалик ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 40—50 фоиз кўпайтирилади. Етакчи касб мутахассисларининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бир ярим баравар ёки 200—250 сўм кўпаяди. Қарийб 1 миллион 750 минг кишининг маоши оширилади. Ана шу мақсадларга 1992 йилда жумҳурият бюджетидан 4,4 миллиард сўм ажратиш мўлжалланган.

Фармон қоидалари ноишлаб чиқариш соҳаси ходимлари манфаатларигагина эмас, шу билан бирга республика меҳнаткашларининг амалда барча тоифаларига таалluқлидир. 1992 йилнинг январидан бошлаб энг кам иш ҳақининг янги, бирмунча юқори даражаси — 200 сўм ҳажмида белгиланади. Шу муносабат билан фуқароларнинг ойига икки юз сўмгача бўлган даромадидан солиқ олинмайди.

Ўқувчи ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш диққат марказида бўлади. Маълумки, 1990 йилнинг 2 сентябридан аспирантларнинг, олий ўқув юртлари студентларининг, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг стипендиялари 30 фоиз оширилган эди. Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларида энг кам стипендия ойига 120 сўмни, техникумлар талабаларининг стипендияси 100 сўмни, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИГА

Не бир машаққатлар эвазига эришилган мустақилликни ҳар биримиз дадил ҳимоя қилишимиз зарур. У, аввало, бирликни, якдиллиқни, фаол ҳаракатни талаб этади. Халқимизда, бўлинганни бўри ер, деган нақл бор. Бугун турлича қарашлар, фикрлашлар, воқеаларга турлича муносабатда бўлишлар борлигини инкор этмаймиз. Лекин миллий мустақилликни сақлаб қолишдек улуғ иш гинаҳкудуратни йиғиштириб қўйишни, халқимиз орзу қилган эзгу йўлни бошлаб берган Президент ва ҳукумат атрофига маҳкам жипслашишни тақозо қилади. Биз ҳозирги мураккаб дамларда шуни унутмайликки, бошқача фикрлаш, маҳаллийчиликка берилиш, турли раҳбарлар атрофида бирлашишга интилиш — мустақилликка зарба бўлиб тушади, мустақиллик душманлари ҳаракати учун йўл очади.

Ҳаммамизга яхши маълумки, жумҳуриятимиз тараққиёти, аввало, иқтисодиёт билан боғлиқдир. Президент ана шу соҳани чуқур билмоғи, иқтисодиётни мустаҳкамлаш учун астойдил курашмоғи лозим.

Дарҳақиқат, Президент кейинги пайтларда журъат билан катта ишларни амалга оширмоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг, кечагина бошимизга қандай кулфатлар тушганди. Меҳнаткаш, жафокаш ўзбек халқи шанига ҳеч бир асоссиз таъналар ёғилди. У таҳқирланди, камситилди. «Ўзбеклар иши»нинг ихтирочилари меҳнати қадр топмай, чор-ночор турмуш кечириб келган деҳқонга ҳам, бошқа раҳбарларга ҳам ниҳоятда шафқатсизларча муносабатда бўлдилар. Бу кўргиликни қарангки, марказдан юборилган жаллодларнинг қилмишлари, адолатсизликлари туфайли республикамиздан сал нарига борсак бош кўтариб юролмай қолдик. Надоматлар бўлсинки, Ўзбекистонда уларнинг мушугини пишт деган бирон киши топилмади. Фақат И. А. Каримов бу ишга катта журъат ва қатъият билан киришди. Ноҳақ айбланган қанча-қанча кишиларнинг юзи ёруғ бўлди. Бевосита Президентнинг Фармони билан минглаб кишилар қамоқхоналардан озод этилди. Уларнинг кўплари ўз вазифаларига тикландилар.

Президент, республикамиз ҳукумати кейинги пайтларда қишлоқ турмуш маданиятини оширишга, одамларнинг фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор бераётганлигини таъкидлаш лозим. Қишлоқ хонадонлари тез суръат билан газлаштирилмоқда, водопровод тармоқлари кенгаймоқда. Одамларни уйжой билан таъминлаш яхшиланди, уларга етарли миқдорда ер участкалари ажратилмоқда. Шахсий хўжаликни ривожлантириш, турмуш шароитини яхшилаш учун барча имкониятлар яратиляпти. Буларнинг ҳаммасидан халқ беҳад мамнун бўлмоқда, республикамиз раҳбарларига миннатдорчилик билдирмоқда.

Динимиз, ўтмишимиз тикланяпти, халқимизнинг кўпгина ажойиб урф-одатлари, анъаналари рўшнолик кўрди. Булар ҳам қалбимизни эзгуликка лиммо-лим этиб, барчамизни юксак орзу-истаклар сари руҳлантирмоқда.

Бизнинг бугунги бахтиёр онларимизга, дадил қадамларимизга хорижданги ватандошларимиз, миллатдошларимиз ҳам катта хайрихоҳлик билан қарамоқдалар. Мусулмон дунёси ва илғор қарашли эркпарвар кишилар, айниқса, хорижданги ватандошларимиз миллий истиқлолни чексиз қувонч билан кутиб олдилар. Юртдошларимиз ва бошқа бир қатор хорижий мамлакатлар вакиллари билан Тошкентда бўлган учрашувлар, шубҳасиз, Ўзбекистон мустақиллигига, унинг музаффар қадамига хизмат қилади.

Биз Ислом Абдуғанниевич Каримовни Ўзбекистон Президентлигига муносиб номзод деб биламиз. Шу боис Олий Кенгашдан, қурултой иштирокчиларидан, ҳукуматдан, турли сиёсий ҳаракатлар вакилларидан энг масъулиятли дамларда Ўзбекистон равнақини кўзлаб, бизнинг фикр-мулоҳазаларимизни, таклифларимизни қўллаб-қувватлашларини сўраймиз.

С. ТУЙЧИЕВ,
Г. БОЛИЕВА,
И. ҲУСАНОВ,
Х. ЖУМАЕВА,
П. БОЛИЕВ,
С. ҚУРБОНОВА,
О. МУҲАММАДИЕВ,
С. НОРҚУЛОВ,
К. БОБОЕРОВ

ва бошқалар. Хатга Большевик ноҳиясидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» давлат хўжалиги ишчи ва хизматчиларидан жами 600 киши имзо чеккан.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА САЙЛОВЛАР

13—16 ноябрь кунлари Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия ташкилотлари таъсис конференцияларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди, уларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Таъсис съезди якунлари ва партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди. Конференцияларда тегишли партия ташкилотларининг кенгашлари ва тафтиш комиссиялари тузилди. Қорақалпоғистон республика партия ташкилотининг конференциясида Д. Н. Шамшетов Қорақалпоғистон республика партия ташкилотининг раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси партия ташкилотлари кенгашларининг бўлиб ўтган пленумларида А. Х. Асанов Қорақалпоғистон республика кенгашининг биринчи котиби, Т. Машарипов иккинчи котиби, С. Қутлумуротов котиб-бўлим мудири;

Н. Шокиров Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби, А. Ҳ. Раҳимов иккинчи котиби, М. Р. Расулов котиб—бўлим мудири;

А. Р. Мўминов Бухоро вилоят кенгашининг биринчи котиби, А. В. Ҳалилов иккинчи котиби, Х. Ж. Жумабоев котиб—бўлим мудири;

А. М. Азимов Жиззах вилоят кенгашининг биринчи котиби, Т. Б. Умурзоқов иккинчи котиби, Т. Т. Аъламова котиб—бўлим мудири;

Ф. О. Омонов Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби, И. Х. Козимов иккинчи котиби, Р. Г. Ражабов котиб — бўлим мудири;

Х. Абдураҳимов Наманган вилоят кенгашининг биринчи котиби, Б. А. Аҳадов иккинчи котиби, А. М. Фаёзов котиб—бўлим мудири;

С. А. Нишонов Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котиби, Ш. С. Ғиёсов иккинчи котиби, Б. Т. Шермуҳамедов котиб—бўлим мудири;

А. Э. Тўрақулов Сурхондарё вилоят кенгашининг биринчи котиби, Ҳ. Э. Эрматов иккинчи котиби;

С. Усмонов Сирдарё вилоят кенгашининг биринчи котиби, Д. В. Тарасенко иккинчи котиби, С. Д. Давлатова котиб—бўлим мудири;

Э. М. Рўзиев Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби, О. Турғунов иккинчи котиби, Н. И. Жданов котиб, Ш. И. Жалилов котиб—бўлим мудири;

Ҳ. М. Абдураимов Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби, А. С. Раззоқов иккинчи котиби, В. П. Медведов котиб—бўлиб мудири;

Г. Н. Машарипов Хоразм вилоят кенгашининг биринчи котиби, А. П. Володарский иккинчи котиби, Э. Ҳакимов котиб—бўлим мудири;

А. С. Эргашев Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби, А. А. Мирсолиев иккинчи котиби, Г. М. Маруфова котиб—бўлим мудири этиб сайландилар.

Конференциялар ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби А. Н. Носиров, Ўзбекистон ХДП Марқазий Кенгашининг котиблари И. А. Кочмарик, А. Х. Саидов, Ҳ. М. Абдураимов ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Комитетининг аъзоси Э. Ҳакимов қатнашдилар.

«Ўзбекистон овози» — ЎзТАГ.

Анорхон Эшчонованинг Хива гилам тўқиш бирлашмасига ишга келганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ у қисқа вақт ичида касб сирларини мукаммал ўрганиб, тўқув цехи жамоасининг илғорларидан бирига айланди. Ҳозир моҳир ишчи декабрь ойи ҳисобига меҳнат қиляпти.

СУРАТДА: А. Эшчонова.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТЛАРИДА

16 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Чет мамлакатлар билан алоқалар комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни комитет раиси П. Қ. Ҳабибуллаев олиб борди.

Мажлисда суверен давлатлар иқтисодий ҳамжамияти тўғрисида шартнома хусусидаги, Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасидаги давлатлараро муносабат асослари ҳақидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабат асослари тўғрисидаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабат принциплари тўғрисидаги Шартнома ҳамда РСФСР билан Ўзбекистон Республикасининг расмий делегациялари ўртасидаги музокараларнинг якунлари юзасидан Баёнот хусусидаги масалалар муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Мажлисда қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг роли ҳамда комитетнинг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонунни бажариш соҳасидаги тадбирлари ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комитет раиси Э. Ҳ. Халилов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, баъзи вилоят ва Тошкент шаҳар судларининг таркибидаги ўзгартишлар ҳақидаги масала кўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда), Ўзбекистон Республикаси «Ҳакамлар суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасидан товар-моддий бойликларни ташқарига олиб чиқиб кетиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик ҳақида»ги Қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Ушбу Қонун лойиҳаларини муҳокама этиш чоғида депутатлар томонидан билдирилган бир қанча таклиф, қўшимча ва ўзгартишлар эътиборга олинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий қонуни)нинг 107-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА ШАРҲ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

стипендияси ўқиш муддати ва дастурига қараб 40 ва 80 сўмни ташкил этади. 1992 йилнинг январидан бошлаб талабалар ва ўқувчилар стипендияларининг миқдори яна 30 фоиз оширилади. Бу тадбир тахминан 360 минг кишига тааллуқлидир ва 152 миллион сўмни талаб этади.

Жумҳуриятимизда 2 миллиондан ортиқ ишламаётган пенсионер истиқомат қилади ва улар моддий фаровонлигининг асосий манбаи ана шу пенсиядир. Уларнинг турмуш шароитини бир мунча яхшилаш учун янги йилдан бошлаб меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори оширилади ва ойига 200 сўмдан иборат бўлади. Бунда ойлик компенсация тўловлари аввалги миқдорда сақланиб қолади. Ана шу мақсадларга қўшимча равишда 2,5 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг иш ҳақи оширилиши билан бир қаторда улар учун қўшимча моддий имтиёзлар ҳам жорий этилади. Эндиликда улар ҳам умумий таълим мактабларининг ўқитувчилари ва болалар уйларининг тарбиячилари сингари якка тартибда уй-жой қуриш учун биринчи навбатда ер участкалари олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Ҳунар-техника билим юртларининг қишлоқ жойларда ва шаҳар типидаги қўрғонларда яшайдиган ходимлари квартира ва коммунал хизматларга ҳақ тўлашдан озод қилинадилар, шаҳарларда яшайдиганлар учун эса ана шу тўловлардан 50 фоиз чегириш белгиланади. Ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ҳозирги вақтда ўзлари яшаб турган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартираларни бепул шахсий мулк қилиб олиш ҳуқуқи берилди.

Фармонда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 1992 йилда қўшимча тарзда 7,1 миллиард сўм маблағни қидириб топиш ҳамда жумҳурият бюджетидан, пенсия жамғармаси ва бошқа манбалардан ажратиш талаб этилади.

●МУШТАРИЙЛАР ЁЗАДИЛАР

ҚОЛИП ЙЎҚ ЭМИШ

Маълумки, биз, кексалар қишда махси-калиш киямиз. Афсуски, сўнгги йилларда ҳамма нарса, жумладан, махси-калиш танқислиги ҳам сезилмоқда.

Калиш талон орқали сотилиб келинаётгани кўпчиликка маълум. Чунки, Тошкент шаҳар Киров районидаги маҳаллаларнинг аҳолиси Навоий кўчасидаги 17-пойабзал дўконига бириктирилган. Биз кексалар ўша ерга ҳафтада икки мартадан қатнайвериб чарчадик. Ҳар safар борганимизда магазин директори Рихсивой Икромовга учрашиб:

— Ўн-ўн иккинчи калишлар нега йил бошидан шу пайтгача келтирилмаяпти? — деб сўраганимиз сўраган.

Бизга қаноатланарли жавоб қайтариш мақсадида Р. Икромов Ангрен шаҳридаги -завод га бориб келгач, шундай деди:

— Катта ҳажмдаги калишларни ишлаб чиқариш учун корхонада қолип йўқ эмиш.

Ана холос. Бу қанақаси бўлди? Шу ҳам важми? Наҳотки, катта ҳажмдаги калиш қолипларини ишлаш қийин бўлса?!

Мана, ҳадемай қиш келяпти. Калишсиз қандай қиламиз? Тегишли юқори ташкилотларда раҳбар фарзандларимиз шу ҳақда ўйлаб кўришса савоб иш қилган бўлардилар.

А. Маъдиев, Р. Рустамов, О. Абдураҳмонов, Ф. Саидов, А. Набиҳўжаев,
Тошкент шаҳар «Янгиариқ» маҳалла кексалари.



● Наманган шаҳридаги 5-қурилиш-монтаж бошқармасининг Олимжон Жалилов бошлиқ бригадаси бунёдкорлари йилнинг тўрт чораги давомида ҳам бир маромда барқарор фаолият кўрсатишга интилишяпти. Шу боис, улар зиммадаги топшириқларни ўз муддатида бажаришмоқда. Ҳозиргача бинокорлар жамоаси бир қанча уй-жой объектларини битказиб, бинолар калитини хонадон соҳиблари қўлига тутқазишди.

СУРАТДА: қурувчилар саркори О. Жалилов.

П. АКБАРОВ олган сурат.

ИШОНЧ

Ўзбекистон Республикаси Президенти номига келган хатларни ўқиб

Мустақилликнинг учинчи ойи ўтяпти. Шу қисқа вақт ичида давлат сиёсатига барқарорлик, иқтисодиётга мўътадиллик бағишлаш йўлида кўп иш қилинди. Энг муҳими халқнинг осойишталигини таъминлаш соҳасида ҳукумат юритаётган сиёсат ўз мевасини бера бошлади. Меҳнаткашлар оммаси республика ҳаётида рўй бераётган ҳар бир ўзгаришга ўз муносабатини билдириб, Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ишига фаол аралашмоқда. Зиёлилар, фахрийлар, колхозчилар, турли касб эгалари республика Президенти номига йўллаётган мактубларда Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган ишларни қўллаб-қувватлажакларини баён этмоқдалар. Бошқарувни такомиллаштириш, фикрлар хилма-хиллиги ва ошкораликни кенгайтириш ҳозир айниқса муҳим эканлигини таъкидламоқдалар.

«Ҳурматли Президент! Мен «Ташсантехгазмонтаж» трестида пайвандчи бўлиб ишлайман, — деб ёзади В. П. Ричагов. — Оддий ишчи сифатида сизга қўлимдан келганча ёрдам бергим келади. Кеча телевизор орқали Сизнинг шартномага имзо чекаётганингизни кўриб қолдим. Бу шартнома бизга нима беришини келажак кўрсатади. Лекин ҳозир мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодиётини тезроқ шакллантириш керак. Менимча давлат биринчи навбатда хусусий сармоядорларга кенг йўл очиб бериши шарт. Марҳамат, имконияти бор кишилар истасалар тикувчилик, автомобиль созлайдиган ёки шунга ўхшаш устахоналар очсинлар. Хусусий ўрта ва кичик корхоналарнинг кенг тармоғи барпо этилса, Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришга халқни оммавий жалб этиш имконияти очилар эди.

Деҳқонларга келсак, улар ернинг ва ўзлари етиштирган маҳсулотнинг тўла хўжайини бўлсаларгина бу соҳада барча муаммолар барҳам топади.

Марказий матбуотда, хусусан «Известия»да босилган «Узиб қўйилган вагон» каби большевиклар томонидан ёзилган мақолаларга аҳамият бермаслигингизни сўрайман. Агар бу ёлғонячиқлар Ўзбекистондан чиқаётган бўлса, ирвогарлар билан ўзингиз гаплашарсиз. Лекин бунда Россия демократларининг қўли бўлса, биз муносиб жавоб беришга тайёрмиз...».

В. П. Ричаговнинг самимий мулоҳазалари мустақил Ўзбекистон халқ хўжалигини такомиллаштириш соҳасидаги изланишларга мос келади. Шубҳасиз, бундай амалий таклифлар шу соҳада ишлаётган мутахассислар ва ишбошиларга энг мақбул йўлни танлаб олишлари учун фойдалидир.

«Сизнинг сиёсатингиз жуда тўғри. У республикангизни вайрон қилишга эмас, балки қатъий тартиб ўрнатишга хизмат қилмоқда ва халқ учун ҳам ҳозир энг муҳим нарса шудир». Бу фикрлар Киров вилоятининг Подосиловский район Утмановский қишлоқ шўросида яшовчи Владимир Меньшениннинг мактубидан олинди. Ўртоқ Меньшенин журналист Сергей Харлов ва ўзини «бирликчи» деб таништирган бир кимсанинг Бутуниттифоқ радиосида берилган Ўзбекистон ҳукумати шаънига туҳматдан иборат суҳбатига раддия тариқасида ушбу хатни ёзган. Биз у кишининг манзилгоҳини атай тўлиқ кўрсатмаяпмиз. Чунки ёш олимларимиздан Султонмурод Олимов «Озодлик» радиостанциясининг мухбирига берган интервьюсида, марказий матбуот Ўзбекистон ҳақида тарқатаётган туҳмат ахборотларга қарши москвалик бир фуқаро томонидан ёзилган раддия хатнинг республика газеталарида босилишини сунъий равишда уюштирилган кампаниябозлик, деб шубҳа остига олади.

Ҳурматли Султонмурод Олимов! Ишонаверинг, Президент идорасига келаётган хатларнинг мазмунидан келиб чиқиб шуни қайд этмоқчимизки барча холис ниятли кишилар республика ҳукумати юритаётган сиёсатни маъқулламоқдалар. Бу хатларнинг бир қатор рўзномаларимизда босилганига келсак, барча маданий давлатлар лозим топилган ахборотларни ўзига қарашли оммавий ахборот воситалари орқали халққа етказиб туради. Бундан Ўзбекистон ҳам мустасно эмас. Шундай хатлар кўп бўлгани учун ҳозир фақат уларнинг шарҳини беришни маъқул кўрдик.

— Туркманистоннинг Гаурдак шаҳрида яшовчи ўзбеклар мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган яхши ишларни мамнуният билан кузатиб бормоқдалар, — деб таъкидланган Чори Эрназаров ва яна беш киши имзо чеккан хатда. — Ота-боболаримизнинг алдовга учиб, нафс балосига берилиб ва амал талашиб қандай қийин кунларга қолганига тарих гувоҳ. Иншолло, мустақил Ўзбекистонда бу энди такрорланмагай!

Бир туркум хатларда марказда нашр қилинадиган матбуотда босилаётган Ўзбекистон ҳақидаги ахборотларга норозиликлар ифодаланган. Жумладан, Қарши шаҳрида яшовчи республика аҳамиятига молик нафақахўр Наим Қодиров ва Мамарайим Бойматов, Самарқанддан Бахтиёр Раҳматиллаев, пастдарғомлик Мели Бобоқулов, Бўстонлиқнинг Хумсон қишлоғидан Давлатбой Сойпўлатов, Сурхондарё вилоятининг Гагарин райони сув хўжалиги ва мелиорация бирлашмаси жамоаси республика Президенти номига йўллаган хат ва телеграммаларида бўҳтон тарқатиш билан шуғулланаётган «Известия», «Комсомольская правда» рўзномалари ҳамда Бутуниттифоқ телекомпанияси журналистларини тийиб қўйишни талаб этганлар.

Албатта, бу талаблар мазкур рўзномалар ва оммавий ахборот воситаларининг раҳбарларига етказиб турилибди. Хусусан, СССР Президенти матбуот хизматининг раҳбарияти, Бутуниттифоқ телекомпаниясининг раиси Е. Яковлев ва бош директори Э. Сагалаев, «Известия» рўзномаси бош муҳаррири И. Н. Голембиновский, «Комсомольская правда» рўзномаси бош муҳаррири Ф. В. Александрович, «Куранти» рўзномаси бош муҳаррири А. С. Панковлар билан ҳам бу ҳақда жиддий гаплашиб олинди. Мустақил Ўзбекистон ҳақидаги ахборотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш улар олдига қатъий қилиб қўйилган. Республикамизга нисбатан марказ матбуотидаги кейинги ўзгаришларни бунинг самараси деса бўлади.

Қўқон шаҳрининг Чархий кўчасида яшовчи бир гуруҳ уруш ва меҳнат ногиронлари Ўзбекистон Савдо вазирлигига қарашли озиқ-овқат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Руденконинг шу йил 5 октябрда «Труд» рўзномасида босилган «Нон тақчил» сарлавҳали мақоласига норозилик билдиришган. Унда: «Руденконинг нонни қимматлаштириш ҳақидаги таклифи замирида шумлик бор, ҳозирги шароитда нонинг баҳосини ошириш мутлақо мумкин эмас», деб айтилади.

Бухоро шаҳрининг Навоий кўчасида яшовчи республика миқёсидаги нафақахўр Хайринисо Элмуродова «Правда» рўзномасининг шу йил 25 сентябрь сонидаги«Спрут»: давоми бор» сарлавҳали мақоласида Гдлян ва Ивановнинг пахта иши бўйича Ўзбекистондан қамалганларни авф этиш ҳақида янги парламентга таклифини биз учун ҳақорат, деб баҳолайди. Хат муаллифи «аслида бундай таклиф ва талаблар жаллодлардан эмас, балки Ўзбекистондан чиқиши керак эди», деб ҳисоблайди.

Яна бир даста хатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси ва ундан кейинги воқеалар ҳақидадир.

— Республикамиз Олий Кенгашининг охирги сессиясидаги мунозаралар бизда катта таассурот қолдирди, — деб қайд этилади Самарқанд Давлат дорилфунуни ўқитувчилари, илмий ходимлари ва хизматчиларидан 56 киши имзо чеккан мактубда. — Унинг «зангори экран» орқали кўрсатилиши ҳам нисбатан янгилик бўлди. Бир кунлик сессия халқимиз сиёсий онгини жуда оширди. Ахир, сиёсий онги юксак даражада ривожланган халқгина мустақилликни, эркинликни, демократияни ҳимоя қилади. Шундай кишилар кўп бўлган мамлакатда сиёсий барқарорлик, тинч-тотувлик мустаҳкам бўлади. Бу эса ўз навбатида иқтисод ва маданиятнинг ривожланишига олиб келади. Жамият қанчалик очиқ, эркин бўлса, халқимиз билан раҳбарлар ва депутатлар ўртасида шунчалик яқин ва ишончли алоқа ўрнатилади. Шуларни эътиборга олиб, бундан кейинги сессияларнинг ҳисоботлари «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларида чоп этилишини таклиф этамиз. Стенографик ҳисобот билан тўлиқича танишиш халқимизда Ўзбекистонда бўлаётган ижобий ўзгаришларга ишонч уйғотади, депутатларимизнинг масъулиятини оширади, турли миш-мишларга барҳам беради. Кимнинг ким эканлиги билиниб қолади. Халқимиз орасидан иқтидорли ёш сиёсатчиларнинг етишиб чиқишига сабоқ бўлади.

Албатта, бу хатга депутатлар, Ўзбекистон Олий Кенгаши раёсати ва «Халқ сўзи» муҳарририяти ўз муносабатини билдиради. Фақат бунга аввал ҳам депутатлар лозим топган барча сессия мажлислари телевизор орқали халққа кўрсатилганлигини илова қилиб қўймоқчимиз. Шу билан қоннинг тантилигига яна қойил қоламиз. Шу муносабат билан келган табрик телеграммаларида ҳам бу алоҳида таъкидланган. Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм, Жиззах, Сирдарё, Наманган вилоятлари, Чироқчи ва Гурлан районларидан олинган телеграммаларда пахта харид нархининг 50 фоизга ошганлиги, режадаги 5 фоиз ва ундан ташқари териб олинган барча ҳосилнинг хўжаликлар ихтиёрида қолдирилганлиги айни вақтида қабул қилинган қарор бўлди, деб баҳоланган. Булоқбоши районидаги «Победа» жамоа хўжалигидан А. Раҳмонов, Косон районидан Шокиров, Боёвут районидаги «Боёвут» давлат хўжалигидан бир гуруҳ деҳқонлар ҳам ўз телеграммалари ва хатларида бу фикрни қувватлаганлар.

Республика ҳаётидаги барқарорлик мўл ҳосил етиштириш ва уни тезроқ териб олишимизни таъминлади. Энди бу пахта хирмонларимиз жаҳон бозорида қатъий сиёсат юритишимизга хизмат қилади. Демак, ҳаётимизнинг бундан буёнги барқарорлигини таъминлайди. Шу жиҳатдан Қизилтепа районидаги «Бухоро» жамоа хўжалигида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Ҳамид Низомовнинг хатидаги ушбу мурожаат биз учун амалий аҳамиятга эга:

«Азиз юртдошларим!

Ҳар қандай ирвогар, ола ниятли кишиларнинг сўзларига учмаслигимиз керак.

Жумҳуриятимизда осойишталик, турли миллат вакиллари орасида дўстлик-биродорлик, халқимизда оғиздирлик, хонадонларимизда тинчлик бўлишини таъминлайлик. Жумҳуриятимиз мустақиллиги учун бу сув билан ҳаводек зарурдир.

Жаннатмакон юртимиз, гўзал республикамиз бор. Ажойиб, меҳридарё, дили ва нияти пок, меҳнатсевар халқимиз бор. Келинглар, дўстлар, қўлни-қўлга бериб, яхши ният, яхши орзу-умидлар йўлида аҳиллик билан ишлайлик. Мустақил давлатимиз равнақи учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этайлик».

А. АБДУРАЗЗОҚОВ,

ТАҲРИРИЯТДАН: Ўзбекистон овози» рўзномаси номига республикамизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида истиқомат қилаётган фуқаролардан ҳам ана шундай мазмунда дил сўзлари битилган хатлар келиб турибди. Беруний районидаги «Правда» жамоа хўжалигидан Д. Қаррибоев, Сирдарё районидан С. Тўраев, Оқтош шаҳрилик қурувчи Х. Фармонов, хоразмлик Қ. Қодиров, Чортоқ районидан Қ. Исомов, бахмаллик С. Аҳмедов, қибрайлик У. Шадрин, Ғалаба районидан Ў. Қўчқоров, бекободлик У. Қосимова ва бошқалар юборган хатларида республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг равнақ топиши учун ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиш, бор имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини, таклифларини айтганлар, тинчлик, бирдамлик, миллатлараро баҳамжиҳатлик кўзланган мақсадга эришишнинг бирдан-бир тўғри йўли эканлиги, республика ҳукумати ва Халқ демократик партияси шу йўлда белгиланган тадбирларни изчиллик билан давом эттиришлари лозимлигини таъкидлаганлар.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Тошкентда эндокринологлар илмий жамияти ҳайъати аъзолари, Қизил ярим ой жамияти ва бирлашмаси инсон организмида йод етишмаслиги ҳолатлари билан курашувчи Халқаро бирлашма иштирокидаги илмий анжуман иш бошлади. Халқаро Симпозиум «Йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликларга қарши кураш» мавзуига бағишланди.

Халқаро анжуманда АҚШ, Германия, Хитой, Швеция, Швейцария, Югославия, Ҳиндистон, Италия, Австралия ва бошқа мамлакатларнинг 100 дан ортиқ таниқли олимлари иштирок этяпти. Тўрт кун давом этадиган анжуман қатнашчилари йод етишмаслигининг организмга таъсири эпидемиологияси ва назорат қилиш, йод етишмаслик ҳолатларини аниқлаш ва йод билан аҳолини таъминлаш муаммоларини ҳал этишга асосий диққат-эътиборни қаратадилар. Маълумки республикамизда йод етишмаслиги оқибатида буқоқ хасталиги кенг тарқалган. Ўйлаймизки, халқаро анжуман натижалари касалликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Республикамиз олимларидан қалқонсимон без дармонларининг биосинтези, унинг физиологияси ва потологиясини ўрганишда Е. Тўрақулов, Р. Исломбеков ва бошқа олимларнинг илмий ишлари диққатга сазовор.

Т. МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги эндокринология илмий-текшириш институтининг лаборатория мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

ЙИРИК ИЛМИЙ ТАҲЛИЛ

Яқинда Беруний номидаги республика мукофотига номзодлар рўйхати эълон қилинди. Булар ичида фалсафа соҳасида таниқли ва етакчи олимлар—СССР ФА мухбир аъзоси, ЎзРФА академиги Э. Ю. Юсупов, ЎзРФА академиги М. Хайруллаев, ЎзРФА мухбир аъзолари А. Қ. Валиев, Ҳ. П. Пўлатов ҳамда фалсафа фанлари доктори С. Шермуҳамедовларнинг «Миллий маданият ва маънавий меросимизнинг назарий муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар туркуми» деган илмий ишлари ҳам ўрин олган. У 10 китобда акс этган узоқ йиллик олиб борилган илмий тадқиқотларнинг якунидир.

Маълумки, ҳозирги ҳаётимизнинг турли соҳаларида ижтимоий-иқтисодий масалалар қатори, айниқса маънавий, маданий ривожланишда муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда.

Бу ўзгаришлар маданият ҳақидаги назарий масалалар, демак, унга асосланган сиёсатда ҳам тамоман янгича принципларнинг олға сурилиши билан боғлиқдир. Умуминсоний қадриятларнинг биринчи ўринга кўтарилиши маданиятда ҳукмрон бўлган олдинги кўп қарашлар, қонун-қоидалардан воз кечишга олиб келди. Янги олға сурилаётган принциплар ҳозирги миллий маданиятнинг сўнгги тараққиётини белгилаш билан бирга маънавий меросимизни ҳам янгича нуқтаи назардан, янги кўз билан қараб чиқишни талаб этади. Бу эса маданий меросни ва миллий маданиятимизнинг ўтган даврдаги асосий ривожланиш босқичлари, ютуқ, камчиликлари, йўл қўйилган хатоларини билишни тақозо этади.

Юқорида қайд этилган олимларимизнинг бу тадқиқотлари алоҳида-алоҳида китоблар, мустақил нашрлар шаклида мавжуд бўлса-да, улар бир мавзу, бир муаммога бағишланган, бир-бирини тўлдиради ва шу муаммони ҳар томонлама ёритиб беради.

Бу тадқиқотлар туркуми Ўрта Осиё халқлари миллий маданиятининг ривожланиш манбалари, шакллари, йўллари, муҳит ва шароитлари, асосий муаммолари каби умумий назарий масалаларни таҳлил этишга бағишланган ва уларни кенг, ҳар томонлама ёритишда катта илмий аҳамият касб этади.

Э. Ю. Юсупов ўз китобларида Ўрта Осиёда совет даврида маданий қурилиш равнақи ва камчиликларининг объектив ва субъектив сабабларини илмий равишда таҳлил этади. Маданий қурилишнинг изчиллигини амалга ошириш жамиятнинг умумий ва хусусий қонуниятларини тўғри тадбиқ этиш, демократик ва социалистик ўзгаришлар диалектикасидан илмий фойдаланиш билан узвий боғлиқ эди. Э. Юсупов ўз асарларида бу соҳада катта хатоларга йўл қўйилганини очиб ташлади, маънавий маданиятдаги ўзгаришларни тушуниб олишга имкон берувчи турли омиллар, шаҳар ва қишлоқ муносабатлари каби турли ижтимоий-сиёсий муаммолар, сабабларни ҳам кенг ёритиб берди.

М. Хайруллаев Ўрта Осиё халқларининг маданий мероси, хусусан ижтимоий-фалсафий қадриятларининг ҳозирги ўзбек миллий маданияти ривожидаги роли масалаларини кенг таҳлил этади. Бундан IX—XII асрларда Муҳаммад Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний каби буюк мутафаккирларнинг жаҳон маданияти қадриятлари учун аҳамияти ҳамда улар яратган маънавий бойликларнинг ҳозирги замон мустақилликка эришган халқимиз ғурури, онги, фаоллигининг юксалишига таъсири ҳақида гап боради. Халқимиз маданияти узоқ тарихга ва ниҳоятда бой меросга эгадир. Бу мерос ташқи душманларга қарши кураш, маданиятда уйғониш, маънавий юксалиш даврларида аста-секин тўпланиб, шакланиб борди.

А. Валиев илмий изланишларининг асосий мазмуни — ўзбек халқи маънавий маданиятининг ҳозирги аҳволи ва келажаги, жамият ҳаётида зиёлиларнинг, айниқса миллий зиёлиларнинг тутган ўрни, ижтимоий ролига бағишланган. У Октябрь инқилобидан аввалги ва кейинги даврда миллий зиёлиларнинг ривожланиши масаласини ҳар томонлама таҳлил этади.

Ҳ. Пўлатовнинг тадқиқотлари марказида маданият ривожининг муҳим масалалари бўлмиш инсоннинг эркинлиги, инсонпарварлик, олий инсоний ҳислатларни шакллантиришда жамият ва давлатнинг роли туради.

Ҳар қандай давлат ҳуқуқий қонунлар асосида иш олиб бормоғи ва шу қонунлар ёрдамида ўзининг асосий функцияларини амалга оширмоғи зарур.

Давлатнинг тарбиявий маданий функциялари, мақсадларини амалга ошириш халқнинг сиёсий маданияти, сиёсий онгини ошириш устида изчил иш олиб боришни тақозо этади. Ҳ. Пўлатовнинг тадқиқотлари миллий маданият ривожини таъминлашнинг зарурий ижтимоий-ҳуқуқий, ташкилий томонларини тушуниш ва ҳал этишда муҳим назарий аҳамиятга эгадир.

Уларнинг тадқиқотлари бир-бирини тўлдиради ва бир бутун ҳолда ўзбек миллий маданиятининг манбалари, шаклланиш қонуниятлари ривожланиш шароитлари ҳамда бой маънавий меросимиз мазмуни ва унинг маданиятимиз ривожидаги роли, таъсири ҳақида кенг ва изчил илмий таҳлили концепциясини беради.

А. Қ. Валиев, Ҳ. П. Пўлатов, М. М. Хайруллаев, С. Шермуҳамедов, Э. Юсуповларнинг республика Беруний мукофотини олиш учун танловга киритилган асарлари фанимизнинг йирик ютуғидир ва шубҳасиз бу катта мукофотга лойиқдир.

М. ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

Қ. БЎРОНОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

З. АБДУЛЛАЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

АДАБИЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

• Беруний мукофотига номзодлар

Бир қарашда юқоридаги сарлавҳа бадиий адабиёт ҳақидаги тадқиқотларга нисбатан эришроқ туюлиши мумкин. Аммо бир гуруҳ адабиётшунослар томонидан рус тилида яратилган «Ўзбек адабиёти тарихи» икки жилдлиги билан танишар эканмиз, шундай демасдан иложимиз йўқ. Чунки кўзгуда бор нарса бутун борлиғи билан тўғри акс этганидек, жуда катта илмий-ижодий меҳнат самараси бўлган бу икки жилдлик «Тарих»да ҳам ўзбек классик адабиётининг қарийб икки минг йиллик тараққиёт манзаралари ғоятда ихчам ва ҳаққоний гавдалантирилган. Бунга демократия ва ошкоралик шарофати билан илмий-маънавий ҳаётимизда сўнгги йилларда юз берган ижобий ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда тарихий воқеалар ва адабий ҳодисаларга холисона баҳо бериш, санъаткор фаолияти ва ижодий жараёнга сунъий, ақидавий ўлчовлардан келиб чиқиб эмас, балки адабиётнинг ўз қонуниятлари асосида ёндашиш орқали эришилган. Бу тадқиқотнинг бош фазилатидир.

Кўп асрлик ўзбек адабиёти, унинг асосий ривожланиш босқичлари, йирик намояндалари ҳамда улар яратган бадиий асарлар хусусида муфассал ва асосли маълумот берувчи бу тадқиқотнинг биринчи жилди энг қадимги даврлардан ўн олтинчи асргача бўлган адабиёт таҳлилига бағишланган. Бунда энг қадимги оғзаки ва ёзма адабий ёдгорликлар, умум туркий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, XI—XII асрларда ўзбек адабиётининг шакллана бориши масалалари, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Хоразмий, Лутфий, Дурбек, Атоий, Гадоий, Алишер Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Мажлисий, Хожа каби йирик ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди атрофлича ёритилган. Характерли томони шундаки, ҳар икки жилдда ҳам умумназарий масалаларга алоҳида эътибор берилган. Адабий анъаналарнинг юзага келиши, ривожи, у ёки бу йирик санъаткор ижодида уларнинг муайянлашуви ва юқори нуқтага кўтарилиши; жанрлар тараққиёти, янги шаклларнинг юзага келиши ёки истеъмолдан чиқиши, жанрлараро муносабат, икки тиллилик ва адабий алоқалар, у ёки бу жанрнинг юзага келишида адабиётлараро муносабатларнинг аҳамияти; миллий адабиётнинг тадрижий ривожи ва адабиётлар тараққиётининг умумий хусусиятлари кабилар шундай масалалардандир. Бу ва шунга ўхшаш масалаларнинг у ёки бу даражада ёритилиши «Тарих»нинг умумий савиясини белгилаш билан бирга унинг муаллифлари салоҳиятини ҳам кўрсатиб турибди.

«Тарих»нинг иккинчи жилдида ўн еттинчи асрдан йигирманчи асрнинг бошларигача бўлган адабиёт тадқиқ этилган. Бунда ҳар бир давр адабиётининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилиши билан бирга Турди, Машраб, Нишотий, Махмур, Гулханий, Увайсий, Нодира, Мужрим Обид, Мунис, Огаҳий, Комил, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Анбар отин каби шоирлар ижоди адабий портретлар тарзида ўрганилган. Йигирманчи аср бошлари адабиётига янгича муносабат бу жилдда муаллифлар эришган энг катта ютуқдир. Ўзбек адабиётининг кўп асрлик тадрижий тараққиёти йигирманчи аср бошларида кўп жиҳатдан янги бир адабиётни юзага келтирдики, жадид адабиёти деб номланган бу адабиётда бугунги адабиётимизнинг асосий белгилари намоён бўлган эди. Ҳамза, Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон номлари билан боғлиқ ўзбек халқи бадиий-эстетик тафаккур тараққиётидаги бу юқори босқич ҳақида кейинги йилларгача индамай келар ёки салбий баҳо берар эдик. Бунинг учун ҳам «Тарих»да янги адабиётнинг алоҳида боб сифатида берилиши жуда катта илмий-назарий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга моликдир.

«Ўзбек адабиёти тарихи» икки жилдлиги ҳақида сўз борар экан, яна бир нуқтага эътиборни жалб қилмоқчимиз. Одатда, ўзбек мумтоз адабиёти деганда, беихтиёр кўз ўнгимизда бир-биридан сар ва серзавқ ғазаллар, рубоийлар, туюқлар, қитъалар, қасидалар, достонлар ҳамда уларнинг кўпдан-кўп ижодкорлари гавдалана беради. Ҳатто буюк Алишер Навоий адабий меросининг қарийб ярмини, улкан саркарда ва санъаткор Бобур ижодининг ярмидан кўпроғини уларнинг насрий асарлари ташкил этиши хаёлимизга ҳам келмайди. Бундай тасаввур, бир томондан, инқилобгача бўлган ўзбек адабиётининг барча тур ва жанрлари кейинги йилларгача атрофлича ўрганилмаганлиги билан изоҳланса, иккинчидан, кўп асрлик ўзбек адабиёти асосан назмий тарзда ривожланиб келди, деган бир ёқлама қараш натижасида пайдо бўлган эди. «Тарих»да эса, қадимги тош битиклардан тортиб, Рабғузий, Хожа, Абулғози ижодларию «Бобурнома», Алишер Навоийнинг насрий асарлари таҳлили орқали ўзбек адабиёти прозасининг тараққиёт тенденциялари тўғри ва атрофлича ёритилган.

Шундай қилиб, муаллифлар ҳамкорлигида яратилган рус тилидаги икки жилдлик тадқиқот бизнинг кўз ўнгимизда ўзбек адабиётининг кўп асрлик тараққиёт манзарасини, унинг холис, объектив, илмий тарихини тўла намоён қила олади. Асар жумҳуриятимиз илмий-маданий ҳаётида муҳим воқеа, ўзбек филологияси тараққиётида янги улкан ютуқ сифатида юксак баҳоланишга арзигуликдир. Уни яратишда қатнашган бир гуруҳ муаллифлар, жумҳуриятимизнинг етакчи адабиётшунослари — А. Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, С. Ғаниева, Ё. Исҳоқов, Э. Каримов, А. Қаюмов, М. Мирзааҳмедова, С. Эркиновлар номзодларининг Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига қўйилиши ҳам бундан далолат бериб турибди. Зотан, у шундай юксак мукофотга лойиқдир.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
Тўра МИРЗАЕВ,
филология фанлари докторлари, профессорлар.

● Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалигининг «Пахтакор» ширкати аъзолари айни кунларда келгуси йил ҳосилига пухта замин яратмоқдалар. Улар шу кунгача мавжуд 900 гектар майдоннинг 300 гектарини сифатли шудгорлашди.

СУРАТДА: моҳир механизатор Жўрабой Каримов. У кунига 8—9 гектар майдонни шудгор қилмоқда. Пастда эса далаларда шудгорлаш қизғин.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

• Одамлар нима дейсиз?

Ўзбекистон Республикаси мустақил, деб эълон қилинганидан буён кўнглим қувончларга тўлиб юрибди. Зеро, мустақил ўлкада турмуш тарзимиз бундан буён қандай шакл олади, деган фикр-мулоҳазалар ҳақида кўп ўйлайман.

Борди-ю одамлар фақат ўз тақдирини ўйламасдан ўзгалар ҳақида, келажак авлод ҳақида қуйинишса, айни муддао бўларди. Боиси, ўзингни бил, ўзгани кўй қабилида иш юритиш, бошқалар билан менсимай муомалада бўлиш, ўткинчи хоҳаваслларга мойилликнинг умри ҳазон экани, фарзандларимизга доғ бўлиб тушаётгани кўпчиликка аён-ку!

Ҳар қандай ютуқни қўлга киритишнинг ўзи бўлмайди. Бас, шундай экан, муваффақиятларимизга бефарқ бўлмасак. Узоққа бориб нима қиламиз. Турғунлик йиллари деб аталаётган даврда кимлигимизни унутиб, ҳатто динимиздан ажралиб қолишимизга бир баҳя қолди-ку.

Менимча, ҳар бир нарсага, ҳар бир янгиликка онгли муносабатда бўлиш, сайи ҳаракатларга зўр бериш, бир ёқадан бош чиқариб ҳамкору ҳамнафас бўлиш пайти келди. Азалий шарқона турмуш тарзимизни тиклашимиз даркор. Бир ўйлаб кўринг, Эзгуликни эътироф этувчи, ҳолис ният билан қутлуғ ишларга қўл урувчи, ўзбекона одоб ва аҳлоққа риоя этувчи кишиларимиз аслида. Қани энди шарқона маданиятимиз яна бир бор жаҳон миқёсида ибрат бўлиб қолса. Бунинг учун ҳалол ва пок бўлишимиз, уддабуронлик билан иш юритишимиз даркор.

Менинг бу борада баъзи мулоҳазаларим бор. Қани энди янгича яшаш ва турмуш тарзини юритиш учун ўзига хос низом ишлаб чиқилса, «Энг яхши, ибратли оила» танлови ўтказилса. Ўша ғолиб оила тажрибасини оммалаштириш важидан бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш ва тажрибани ёйишга рағбат қилинса. Республикада ғолиб, деб топилган «Маданиятли оила» низомга мувофиқ яна икки оилага ҳомийлик қила бошласа. Бу икки оила ибратли хонадон номини олгач, улар ҳам яна иккитадан оилага ўз йўл-йўриқларини ўргатишсалар. Айтайлик, бола тарбиясини, рўзғор юритишни, ахлоқ-одобга риоя қилиш борасидаги тажрибаларни ёйишлари лозим бўлади.

Республикадаги ҳар жиҳатдан тўкис, «бойвачча», деб ном олган, тўйда ҳам, азада ҳам босар-тусарларини билмай ҳаракат қиладиган оилаларнинг аҳволлари нима кечади, деган савол туғилиши табиий. Маълумки, ибратли оилалар маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилиб, керак бўлса оммавий ахборот воситалари ёрдамида тарғиб қилиб турилади. Демак, ҳар тўкисда бир айб дегандек, тўқ бўлсаларда, ёт иллатларга ўралашиб қолган оилалар яккаланиб қоладилар. Улар ҳам низомга мувофиқ турмуш тарзини касб этишга мажбур бўладилар. Низомнинг шартлари ва қоидаларини менсимайдиган оилалар назардан четда қолаверадилар. Ўйлайманки, ҳамиша яхшиликка интилувчан халқимиз бундай тартибда яшашни, ҳамиша тинчлик ва ҳотиржамлик йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилишни, ҳалоллик билан топилган сармояга бола-чақа ўстиришни маъқул кўрадилар. Сиз нима деб ўйлайсиз, азиз муштарийлар!

Ҳақназар АБДУРАҲМОНОВ,
тепловоз машинисти.

ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Ҳалқ депутатлари Сурхондарё вилоят Советининг сессияси Сариосиё ва Узун, Денов ва Олтинсой районлари ҳудудини экология ҳалокати зонаси деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Бу районларга кўп вақтлардан буён Турсунзода шаҳридаги (Тожикистон) алюминий заводининг фторливодород, олтингугуртли ангидрид, азот қўш оксиди каби зарарли чиқитлари таъсир этиб келмоқда. Атроф-муҳитнинг бузилганиши натижасида жуда катта зарар етди: машҳур Дашнобод анори йўқолиб кетмоқда, боғлар ва токзорлар қуриб қоляпти, моллар касалланяпти. Энг ачинарлиси шундаки, одамларнинг, айниқса болаларнинг саломатлигига зарар етмоқда.

Сессия вилоятнинг шимолий районларини экология фалокати зонаси деб эълон қилиб, алюминий заводи таъсири зонасидаги минтақада яшовчи одамлар саломатлигини, шу минтақа ҳайвонот наботот оламини ҳимоя қилиш чораларини кўришни таклиф этиб, Ўзбекистон ва Тожикистон Олий Кенгашлари ҳамда ҳукуматларига мурожаат қилди.

Е. ВЕЛИЧАНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Самарқандда икки кунлик Бутуниттифоқ семинар кенгаш тугади. У савдо, умумий овқатланиш, ва озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган эди. Унда Украина, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Латвия вакиллари, Ўзбекистон матлубот кооперацияси ходимлари иштирок этдилар.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари А. М. Мўталов очди.

Семинар кенгаш қатнашчиларни вилоятнинг илғор матлубот жамиятларида, савдо, умумий овқатланиш ва саноат корхоналарда бўлдилар, ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

(ЎзТАГ).

• Акс-садо

„ОНАНГ ҲУЗУРИГА ШОШИЛ!“

(1991 йил 28 август, 166-сон)

Қариялар уйида ўз фарзандининг дийдорига муштоқ бўлиб ётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, республика миқёсидаги шахсий пенсионер, тиббиёт фанлари номзоди 83 ёшли Тожихон ая Акрамхонова ҳақидаги мақоламизга ўз муносабатларини билдирган муштарийлар хатларининг баъзиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг шу йил 28 август сонидаги «Онанг ҳузурига шошил!» сарлавҳали мақолани ўқиб ғоят таъсирландим, ҳайратдан ёқа ушладим. Ҳақиқатан ҳам ҳаёт жуда мураккаб, инсон унда ақл бовар қилолмайдиган турли муаммоларга йўлиқади, қоқилади, сурилади. Шунда кимдир елка тутади, мурувват кўрсатади, кимдир аксинча. Бу дунёда ҳеч ким қоқилмасин экан. Қоқилган одамни тепиловчилар ҳам топилиб қолади... Бироқ бир қоридан талашиб тушган ака-уканг ёки опа-синглинг, айниқса ўз жигарбандинг — фарзандинг дилингга озор берса, молингга, жонингга кўз олайтирса, қария онасини ёҳуд отасини ўз ҳолига ташлаб қўйиб, ҳолидан хабар олмаса, бундан ортиқ маънавий дард бўлмаса керак. Дарвоқе, шоир Абдулла Ориповнинг ушбу тўртлигига яна бир бор эътибор берайлик-а:

Коинот гултожи
инсондир азал,
Ундадир энг олий
тафаккур, амал.
Ҳатто у тубанлик
ичра ҳам танҳо
Ё фалак, ижодинг
бунча мукаммал!

Ана шу «тубанлик ичра танҳо»лар Тожихон аянинг айни қарилик гаштини сурадиган дамларида қариялар уйида зориқишларига сабабчи бўлдилар. Ахир жумҳуриятимизда атоқли ўзбек гинеколог-шифокор сифатида донг таратган, юзлаб оналар ва болалар ҳаётининг посбони бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Тожихон Акрамхоновадек она билан қанчалик фахрланса, уларни эъзозласа арзирди. Наҳотки буни яккаю ягона ўғил Учқун Орифхонов қалбан ҳис этмаса? Умуман ўз онасини зориқтириб қўйиш фарзанд номига ярашмаган иш. Бу ёғи унинг виждонига боғлиқ. Фақат хулоса ўрнида Ҳадиси шарифдаги ушбу сўзларни тилга олиб ўтмоқчиман: «Ота-оналарининг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бирини рози қилиб, жаннати бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин».

Наримон ҲОТАМОВ,
«Фан» нашриётининг директори, кекса ношир.

* * *

Мақолани кучли изтироб билан ўқиб чиқдим. Онанинг ачинарли аҳволга тушиб қолганлиги одамнинг раҳмини келтиради. Ушбу мақолани ўқиб шундай хулосага келдим: ҳар бир инсон куч-қуввати бор вақтидаёқ ўзининг эртанги куни —қарилиги қандай кечиши ҳақида бир ўйлаб кўриши ҳам керак экан. Тожихон ая бу ҳақда ўйлаб кўрганмиканлар?! Ўйлаб кўрган бўлсалар ҳам қарилик чоғлари қариялар уйида ўтишини ҳаёлларига келтирмаган бўлишлари анқ. Ҳамма сабаб оилавий пойдеворнинг мустаҳкам қурилмаганлигида. Соғлом оилада соғлом фарзандлар дунёга келади, деб бежиз айтишмайди. Бу воқеа кўпчиликка ибрат бўлиши керак. Эр-хотин қариган чоғида бир-бировига суянчиқ бўлиб қолади. Буни ажралиш учун ариза ёзаётганлар, ёшлик қилиб ўзининг тинч оиласини бузаётганлар доимо ёдларида тутишлари керак, токи куч-қувватлари борида турмушнинг пастубаландига сабрли-бардошли бўлишсин. Фарзанд ана шундай оилалардагина ўзининг фарзандлик бурчини бажара оладиган бўлиб вояга етади.

Яна бир гап. Тожихон ая яшаган маҳалла қўмитасидагилар ўз вақтида она-боланинг муносабатига аралашганида эди ая қариялар уйида бўлмасмидилар. Овқатнинг таги олганидан кейин қозонни ковлаш бефойда. Кўпчилик маҳалла қўмитасидагилар ҳамма иш бўлиб ўтганидан сўнг аралашишга ёҳуд умуман муносабат билдирмасликка ўрганиб қолишган. Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак. Сўнгги сўзим Учқун Орифхоновга: Ўғлим, фарзанд онага кек сақламайди деб тўғри ёзибди мухбир. Онангни зориқтирма, Унинг олдига бор, холидан хабардор бўл.

Хушвақт ОМОНОВ,
Тошкент вилояти ,Қибрай районидаги Салор посёлкаси.

* * *

Газетангизнинг доимий мухлисиман. Ёшим 77 да. Уруш ва меҳнат фаҳрийсиман. Биз ҳам кўп замонларни кўрганмиз. Ўша очлик, қийинчилик бўлган замонларда ҳам ҳозиргидек меҳр-оқибат камайиб кетган эмасди. «Онанг ҳузурига шошил!» мақоласини ўқиб титраб кетдим. Ростини айтсам жаҳлим чиқди. Қўлимга қалам олиб хат ёзишга тушдим. Шундай тўқчилик замонида онани қариялар уйига олиб бориб қўйиш нимаси?! Ўғлим Учқун Орифхонов! Сенга нима бўлди? Лоақал гўдаклигингни эсламайсанми? Онайи меҳрибонингнинг сени дунёга келтириши осон бўлмагандир. Бешик тепасида кечаси «инг» десанг мижжа қоқмай аллалагани камми? Онаизорингни қариган чоғида ўз ёнингда сақлаб, тўрт қават кўрпача устида ардоқламайсанми? Ота ўғил Учқунбой! Кўзингизни каттароқ очинг. Онани дунёда топиб бўлмайди. Бизнинг онамиз 96 ларингизни тушунасиз ва тузатасиз.

Носиржон ПОЧЧАБОЙ ўғли.
Қўқон шаҳри.

* * *

Мен ҳам онаман. Тўрт фарзандим бор. «Онанг ҳузурига шошил!» мақоласини ўқиб йиғладим, Қачондан бошлаб бизнинг тупроғимизда она зор бўлди? Қачондан бошлаб она хор бўлди! Ая масъул лавозимларда ишлаган экан. Нега аянинг меҳнати синган ташкилотлар лом-лим демайди? Нега Соғлиқни сақлаш вазирлиги хизмат кўрсатган шифокор ҳаётига бефарқ қаради? Нега Социал таъминот вазирлиги республика миқёсидаги шахсий пенсионер ҳолидан хабар олмади? Мен нима учун Учқун Орифхонов онасини шу холга ташлаб қўйди, демайман. Унга ундоқ қил, бундоқ қил деб ақл ўргатиш илдизсиз дарахтга сув қуйиш билан баббаравар. Агарда фарзанднинг юрагида онага нисбатан меҳр илдизлари бўлганида эди у онасидан бир зум ҳам ажрала олмас эди. Ҳечдан кечи яхши дейдилар. Кеч бўлса ҳам ўғлининг онасига раҳми келса ажаб эмас. Тожихон ая, кўргилик экан-да! Худо сабр берсин.

Маъмура МИРЗАЕВА,
Тошкент шаҳри, ҳамшира.

* * *

СЎЗ — МАҚОЛА МУАЛЛИФИГА:

Таҳририятга келган шу ва шу каби хатларни олиб тўғри қариялар уйига — Тожихон ая Акрамхонова ҳузурларига бордим.

— Мақола босилиб чиққанидан сўнг мени йўқловчилар ҳам кўпайиб қолди, — дейди Тожихон ая. — Қариндош-уруғларим, 40 йил бирга яшаган қўни-қўшниларим, ҳамкасбларим, она шаҳрим — наманганликлар келишди. Ҳар якшанба жияним Элхон келиб турибди. Қачондан бери «Сизни бу ердан олиб кетаман» дейди. Жуда меҳрибон. Синглим Ҳуршида Шукурова ҳам келмоқчи бўлиб юрган экан. Лекин бизга бир-бировимизни кўриш, узрмаъзур айтиш насиб этмади. Афсус, у куни кеча вафот этибди. Таъзиясига боролмадим. Олдимга келаётганлардан баъзилари мени ўз қарамоғларига олмоқчи эканликларини ҳам айтишяпти. Масалан, менинг собиқ талабам эндиликда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вирусология илмий-тадқиқот илмгоҳининг директори Шабот Хўжаев, Наманган вилояти Тўрақўрғон районидаги Калинин номли жамоа хўжалигидан Мамадали Жўраев кабилар ана шундай таклиф билан олдимга келишди. Ҳозирча бирон-бир қарорга келганим йўқ...

Ҳа, ая ўз фарзанди Учқун Орифхоновдан ана шундай таклиф кутаётганлиги учун ҳам ҳозирча бирон бир қарорга келолмаётган бўлса ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам фарзанд—фарзанд-да! Тирноқни этдан ажратиб кўрингчи! Она юрагининг аллақайси бир бўлагини фарзандига беради. Унинг юрагида не сўзлар туғён уришини қулоқ тутмаса-да сезади. Ая ҳам сезиб турибди — эрта бир кун ўғли рафиқаси билан эшикдан кириб келади. Кўзи кўзига тушади. Она томон оҳиста юради — бир қадам, икки қадам.. Ана энди у жуда-жуда яқиндан онанинг кўзларига энтикиб қарайди. Забардаст қўллари билан онанинг ориқ елкаларини майингина силайди, қучади. Она ҳам, бола ҳам лом-мим демайди. Ўртада жимжитлик. Майли, шуниси тузукроқ. Ҳеч нарса демаслик — ҳеч нарса бўлмагандек..

Бас! Биз ҳам барча гап-сўзларга нуқта қўяйликда, ўрнимиздан турайлик. Юринг, кетдик, оналаримиз ҳузурига — улар файз киритиб турган хонадонларга ёҳуд сокин мозорларига борайлик. Борайликда дилимиздаги тилимизга чиқсин: «Мен келдим, она, сизни соғиндим!».

Муроджон ҚОЗИЕВ.

ЯШАШНИ ЎРГАНАЙЛИК

Далалар қатори хонадонларимизга ҳам тайёралардан дори сочиб ўтилгандаям гамлайдиган, деб янгидан-янги сув омборларини кашф этиб, пахта майдонларини кенгайтириб, Оролни қуритиб, атроф-муҳитнинг бузилишига ҳам ўзимиз сабабчимиз. Афғонистон сарҳадларида қанчадан-қанча йигитларимиз жонини фидо қилишди. Буларнинг асосий моҳияти аввало алдамчилик, қолаверса хушомадгўйлик, бефарқлик ва лоқайдлик ҳамда ҳудбинликда, деб биламан. Хўш, истиқлол шабадаси эсаётган айни кунларда бундай иллатлардан мусаффо бўлишнинг йўли борми?

Менимча, ҳар бир нарсага, ҳар бир янгиликка онгли муносабатда бўлиш, сайи ҳаракатларга зўр бериш, бир ёқадан бош чиқариб ҳамкору ҳамнафас бўлиш пайти келди. Азалий шарқона турмуш тарзимизни тиклашимиз даркор. Бир ўйлаб кўринг, Эзгуликни эътироф этувчи, ҳолис ният билан қутлуғ ишларга қўл урувчи, ўзбекона одоб ва аҳлоққа риоя этувчи кишиларимиз аслида. Қани энди шарқона маданиятимиз яна бир бор жаҳон миқёсида ибрат бўлиб қолса. Бунинг учун ҳалол ва пок бўлишимиз, уддабуронлик билан иш юритишимиз даркор.

Менинг бу борада баъзи мулоҳазаларим бор. Қани энди янгича яшаш ва турмуш тарзини юритиш учун ўзига хос низом ишлаб чиқилса, «Энг яхши, ибратли оила» танлови ўтказилса. Ўша ғолиб оила тажрибасини оммалаштириш важидан бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш ва тажрибани ёйишга рағбат қилинса. Республикада ғолиб, деб топилган «Маданиятли оила» низомга мувофиқ яна икки оилага ҳомийлик қила бошласа. Бу икки оила ибратли хонадон номини олгач, улар ҳам яна иккитадан оилага ўз йўл-йўриқларини ўргатишсалар. Айтайлик, бола тарбиясини, рўзғор юритишни, ахлоқ-одобга риоя қи-

«ЮЛДУЗ» БИРЛАШМАСИ — 50 ЁШДА

Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ўзининг ярим асрлик тўйини нишонламоқда. Корхона 1941 йилнинг ноябрь ойида Москва яқинидаги парашют ишлаб чиқарувчи фабрика Тошкентга кўчириб келтирилган кундан ўз тарихини бошлаганди. 1942 йилнинг февралидаёқ фронт учун маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди, 1944 йилда эса корхона жамоасига қаҳрамонона меҳнати учун Ленин ордени топширилди. Корхона урушдан сўнг эркаклар костюмларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу маҳсулот ҳозир ҳам «Юлдуз» бирлашмасининг асосий маҳсулоти ҳисобланади. Бу ерда, шунингдек аёлларнинг либослари, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари учун махсус кийим тикилади.

Ҳозир бош корхона ва учта фабрика бирлашма таркибига киради. Эски, мослаштирилган цехлар тугатилганига анча бўлди. Улар ўрнида замонавий биполар қад кўтарди, юксак унум билан ишлайдиган ускуналар ўрнатилди. Тўрт минг кишилик жамоа аҳил меҳнат қилмоқда. Бу йил иқтисодий қийинчиликларга қарамай, режалаштирилганидек, ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймоқда, 187 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бирлашмада унинг ярим асрлик тўйига бағишланган тантаналар бўлди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Юлдуз» жамоасига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди.

(ЎзТАГ).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ПОЛИМЕРЛАР КИМЕСИ ВА ФИЗИКАСИ ИЛМГОҲИ лабораториялар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

илмий ходимлар: функционал фаол полимерлар (2), истиқболли полимер қурилиш материаллари;

кичик илмий ходимлар: композицияли полимер материаллар, уруғлар сифатини яхшилаш бўйича тармоқ лабораторияси (2), функционал фаол полимерлар, полимерлар синтези.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700128, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7«б» уй. Телефон: 41-88-01.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: қурилиш механикаси, ҳаракатдаги состав ва транспорт энергетикаси;

профессор: вагонлар ва вагон хўжалиги;

доцентлар: ҳаракатдаги состав ва транспорт энергетикаси («Иссиқлик техникаси» ихтисоси бўйича); олий математика; ҳисоблаш техникаси, режалаштириш ва хўжалик юритишнинг математикавий усуллари; юк ташиш ишлари технологияси ва уни механизациялаштириш; иқтисод ва транспортни бошқариш; темир йўл станциялари ва тармоқлари; фойдаланиш ишларини бошқариш.

катта ўқитувчи: сиёсий иқтисод;

ассистентлар: ҳаракатдаги состав ва транспорт энергетикаси (2-«Локомотивлар» ихтисоси бўйича); тиллар «Рус тили» фани бўйича; темир йўл транспортида автоматика ва телемеханика; олий математика (2); юк ташиш ишлари технологияси ва уни механизациялаш.

Манзилгоҳимиз: 700045, Тошкент шаҳри —45, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирлари: Халқ хўжалиги тармоқларида молия ва инвестиция; сиёсий иқтисод ва иқтисодий таълим назарияси; технология; математика; статистика; тармоқлар иқтисоди; бухгалтерия ҳисоби; пул муомаласи ва кредит; фалсафа ва сиёсатшунослик; микроэкономика ва ижтимоий тараққиёт; бошқариш, хўжалик механизми ва ҳуқуқи; иқтисодий информатика ва ҳисоблаш техникаси; иқтисодий ахборотни автоматлаштирилган равишда ишлов системаси (АСОЭИ);

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар танлов тўғрисидаги низомга мувофиқ қуйидаги манзилга жўнатилсин: 700084, София шоҳ кўчаси, 7-уй.

Телефонлар: 34-72-92, 34-55-38, 34-71-19.

ТОШКЕНТ СИЁСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

«халқаро иқтисодий алоқалар» мутахассислиги бўйича ишларни олий ўқув юртига киришга тайёрловчи пуллик курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга ўрта мактабни битирганлар ҳамда 11-синф ўқувчилари қабул қилинади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида қуйидаги фанлар бўйича олиб борилади: МАТЕМАТИКА, ЧЕТ ТИЛИ, ЎЗБЕК ТИЛИ (рус) **ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ.**

Машғулотлар 1 декабрдан бошлаб 6 ой давом этади.

Тайёрлов курсини битириб чиққанлар умумий асосда кириш имтиҳонларини топширадилар ва олий билимгоҳга қабул қилишда имтиёзга эга бўлмайдилар.

Қабул учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ректор номига ариза, аттестат ёки дипломнинг нусхаси (ўрта маълумотлилар учун), мактабдан маълумотнома (11-синф ўқувчилари учун), 3х4 ҳажмдаги 2 та фотосурат.

Ҳужжатлар билимгоҳнинг бошқарув куллиёти биноси (68«а» хона)**да қабул қилинади.**

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Луначарский кўчаси, 54-уй.

Телефонлар: 67-93-08, 67-06-41.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА ДОРИЛФУНУНИ

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА 1991-1992 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

(ТОШКЕНТ, АНДИЖОН ва ҚАРШИ ШАҲАРЛАРИДА)

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли:

— камида икки йил меҳнат қилган халқ хўжалиги барча тармоқларининг илғор ишчилари ва колхозчилар ўзлари ишлайдиган корхона, ташкилот, муассасааларнинг йўлланмаси билан;

Армия сафида хизматни ўтаб қайтган йигитлар ҳарбий қисмлар йўлланмаси билан;

— икки йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлмаган йигит ва қизлар ўзлари ишлаётган корхона билан дорилфунун ўртасида тузилган шартномага асосан қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар физика ва математика фанларидан ўтказиладиган суҳбат натижасига қараб танлаб олинадилар.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: дорилфунун ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) тавсиянома, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма, (086/У-шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 8 та расм.

Паспорт ва ҳарбий мажбуриятга оид ҳужжат шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 25 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ЎҚИШ 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги манзилгоҳларга мурожаат этишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, «Пахтакор» метро бекати, Ўқчи кўчаси, 761-мактаб, 2-қават.

Қарши шаҳри, Шибаев шоҳ кўчаси, умумтехника куллиёти.

Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, умумтехника куллиёти.

• *ҲАМКАСБЛАРИМИЗ*

КАМТАРИН ҚАЛАМКАШ

Алиназар Эгамназаров мақтовларни хуш кўрмайди. Бироқ биз бугун нуқул қоралашга берилиб кетганимиз — кечаги кун, бошдан кечирганларимиз ҳақида гап кетгудек бўлса, дили қувнаб, кўзлари ёшланиб не-не жиддий воқеаларни, ажойиб ҳангомаларни ҳудди кечагидек қилиб сўзлаб беради. У кишининг хотира ҳофизаси шу қадар теранки, бир марта ўқиган нарсаси ёки ўзи шоҳиди бўлган воқеани сизга айнан магнитофон лентаси ёки кино кўзгудек жонлантириб бера олади. Мабодо Толстойдан сўз кетгудек бўлса, улкан адибнинг айнан ўша суҳбатни моҳиятан бойитувчи бир калимасини топиб айтадики, ичингизда тасанно, дейсиз. Фақат Толстойдан эмас, отаси — раҳматли Эгамназар бобонинг ўгитларини ҳам жойи келганда шундай бир ифода қилиб берадики, ҳаётга бўлган енгил-елпи қарашингиздан воз кечиб, улуғ инсонпарварлик сабоқлари ҳақида ўйлай бошлайсиз.

Эҳтимол, бу ҳам яхши инсонларнинг бир гўзал фазилатидир. Биз буларни Алиназар аканинг ижоди ҳақидаги кузатишларимиздан олдин айтаётганимизнинг боиси шуки, у кишининг камтарин ижодини ҳам мана шу фазилатлар безаб, ичдан нурлантириб туради. Унинг биргина ўтган йили ўқувчилар қўлига теккан «Йигирма миллиондан бири» китобининг ўзида не-не тақдирлар бўй кўрсатиб турибди. Ҳар бир қаҳрамоннинг қисмати, унинг ҳаётий таҳлили қалбингизда узоқ ўрнашиб қолади. Шулардан бири «Она матонати» деган очерк. Беш ўғилни фронтга жўнатиб, бирортасини қайтиб кўра олмаган ғамгузор она ҳақидаги бу ёниқ дард дастлаб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган эди. Ундаги мана бу сатрлар ёдимизда муҳрланиб қолган: «Урушдан кейин бир куни кампир тўрт (Зулфия ая Зокирова кенжасини уйлантириб улгурмаганди) келинини ёнига ўтқазди-да, шундай деди:

— Ўргилиб кетай сенлардан, мен барчангдан розиман. Лекин бир қарз гапни ўзимдан соқит қилмоқчиман. Тўртовинг ҳам эрдан ёш қолдиларинг. Энди жойи чиқса турмуш қилларинг, мингдан бир розиман. Мени ҳеч ўйламаларинг, оғирлигимни ер кўтаради, рисқимни худо беради.

Шунда ҳамма овсинлар йиғлаб юборишди...».

Келинлар рози бўлишмаган экан. Уларнинг кўпи ҳозир ҳаёт. Мана шунинг ўзи тайёр киноасар эмасми? Қай бирини айтасиз? Алиназар ака қаламга олган кўпдан-кўп воқеа-ҳодисалар, тақдирларнинг бари ҳақида бемалол шундай фикрни айтиш мумкин. Бу унинг ҳаётдаги дуч келган нарсани қаламга олавермаслиги, олганда ҳам уларга бутун бир даврининг юки билан қараши, шуни кўтарса кўпчиликка ҳавола этиши, ўз нуқтаи назари ижодий позицияси билан умуминсоний қадриятларни нечоғлик ҳимоя қила билишини кўрсатади. Сирасини айтганда, А. Эгамназаров нинг ўзига хос истеъдоди, ижодий қиёфаси ҳам мана шу фазилатларда, уруш қаҳрамонлари, уруш даври ҳақиқатини теран тасвирлашда намоён бўлади.

У Тошкент яқинидаги Хонобод қишлоғида туғилиб ўсди. Дорилфунуннинг журналистика бўлимини битиргач, кўп йиллар Сирдарё вилоят рўзномасида меҳнат қилди. Ижодий фаолиятининг йигирма йили эса, «Тошкент оқшоми» жамоаси ҳаёти билан узвий боғлиқдир. Алиназар ака бу ерда бўлим бошлиғи, масъул котиб вазифаларида ҳалол тер тўкди. Шу йиллар «Оқшом» ҳаётида унутилмас бир давр бўлиб қолди. Таниқли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов, истеъдодли ёзувчи-публицистлар Саъдулла Кароматов, Шароф Убайдуллаев ва бошқа қалам соҳиблари биргаликда ишлаган йилларда бу ерда ўзига хос ижодий иқлим вужудга келган, бу кўпдан-кўп ёш ижодкорларнинг камол топмоғи учун қулай муҳит эди. Ижодий жамоага энди ишга келган йигитларни синаш, қўлидан иш келадиганларни тарбиялаш Алиназар ака сингари фидойи журналистларимизга ишониб топширилар эди.

Бугина эмас, рўзноманинг муҳим мавзудаги рейдлари, ўткир чиқишлари, фельетонлари ҳам мана шундай ижодкорларнинг тер тўкиб ишлашлари, чинакам фидойиликлари билан юзага чиқарди. Кези келганда энг масъул жавобгарликни ҳам улар ўз гарданига ола билардилар. Кўпчиликнинг ёдида, етмишинчи йилларнинг охирларида «Тошкент оқшоми»да А. Эгамназаровнинг «Дарахткесар» деган фельетони босилган эди. Фельетон шов-шув бўлиб, унинг муаллифи шуҳрат қозонди, бироқ кўп ўтмай «қаҳрамон»нинг ҳужумларига дош бериш қийин бўлиб қолди. Қанчадан-қанча мевали дарахтлар, оппоқ ўрикларнинг қийратиб юборилишига бош қўшган кичкинагина раҳбарча енг учида иш битириб, юқоридаги акахонларини ишга солиб, шаҳарқўм муҳокамаларида мухбирни мулзам қилишгача бориб етди. Барибир, «қаҳрамон раҳбарча» минг югургани билан ҳақиқат олдида эгилишга мажбур бўлди. Бироқ у етказган маънавий жароҳатлар мухбирнинг эсидан чиқадими?

Ана шундай курашларда тобланган, энг муҳими, қаламини қайраб, кўплаб китобларнинг муаллифи бўлган Алиназар Эгамназаров эндиликда севимли журналимиз «Шарқ юлдузи»нинг публицистика бўлимини бошқараётгани ҳам бежиз эмас. Ўнлаб муҳим мавзудаги чиқишлар эллик ёшли журналист адибнинг иродаси, саъй-ҳаракати, интилиш-изланишлари билан дунёга келмоқда, ўқувчиларга манзур бўлмоқда. У ўзининг матбуотдаги фидойи меҳнатлари заҳматкашлиги учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланган.

Айни навқирон ёшида, ижодий куч-ғайратга тўлиб ишлаётган даврида босиб ўтилган кичик йўлга бир қур назар ташлай деган ҳассос ижодкорга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва ижодий ютуқлар тилаймиз.

Ғулом ҒАФУРОВ,
Мурод АБДУЛЛАЕВ,

СПОРТ

● «ПАХТАКОР» футболчилари яна бир бор мухлислар меҳрини қозондилар. Улар мамлакат кубоги учун курашни муваффақиятли ўтказиб, кўпчиликни қувонтиришди. Маълумки йигитларимиз сафарда Липецкнинг «Металлург» жамоаси билан дастлабки ўйинда дарвозалар дахлсиз қолишига эришган эдилар, Зеро, Тошкентда бўладиган такрорий ўйинда пахтакорчиларни йирик ҳисобли ғалабага эришишлари кутилмаганди. Жўшиб, кўтаринки руҳда тўп сурган майдон эгалари меҳмонларни чинакам аросатда қолдиришди. «Металлург» дарвозаси бир йўла 7 марта ишғол этилди. Битта жавоб тўпи бўлди. Кўпчиликка катта қувонч бағишлаган бу тўпларни Қосимов (иккита), Шквирин (иккита), Ҳасанов, Назаров ва Муҳамедовлар дарвозага моҳирона йўллашди. Шундай қилиб, пахтакорчилар биллур соврин учун қурашнинг нимчорак финалида пойтахт армиячилари билан учрашадиган бўлишди, Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари эса курашни давом эттириш имкониятини бой беришди. Навбаҳорчилар ўз майдонларида Харьковнинг «Металлист» жамоасидан устун (2:0) келишган эди. Сафарда эса учта тўп ўтказиб юборишди.

● АВСТРАЛИЯНИНГ Сидней шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпионати давом этмоқда. Мусобақада қатнашаётган 60 килограмм вазнли тошкентлик Артур Григорьян саралаш ўйинларини муваффақиятли давом эттирмоқда. У биринчи учрашувни испаниялик Ҳуан Карлос Саес билан ўтказиб, муваффақият қозонган эди. Иккинчи ўринни эса кубалик Хулио Гонзалес билан ўтказиб, яна зафар қучди. Боксчимиз ҳал қилувчи баҳсга йўлланма олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

• БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ИСТАГИМИЗ

Халқимизда орзуга айб йўқ деган ҳикматли гап бор. Асрий истагимиз — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришди. Мустақил республиканинг келажаги ёш авлод таълим-тарбияси асосий диққат-эътиборимизда бўлмоғи даркор. Шу ўринда кўнглимиздаги истагимизни айтиб ўтмоқчимиз. Ҳар бир касбнинг ўз миллий кийиниш маданияти мавжуд. Мактаб ўқувчиларининг ҳам кийиниш маданиятини яратишда миллий услуб жорий этилса айни муддао бўлур эди.

Зеро, миллий тарбия, миллий кийиниш услуби ўқувчи шуурида ўз халқи маданий меросига ворислик туйғуларини жўш урдириши табиийдир.

Оллоёр БИНАЕВ,
Самарқанд вилояти, муаллим.

КАМ БЎЛМАНГ

Эсимни танибманки, қўлимда кетмон, деҳқончилик қиламан. Меҳнат инсонни соғлом бўлишига хизмат қилади деганларича бор. Ёшим бир жойга борган бўлса-да, бирор марта кўрпа-тўшак қилиб хасталанмагандим. Лекин қариликка ўз ҳукмини ўтказмасдан қолмас экан. Белдан қувват, кўздан нур кетди. Яхшиямки, жонимга тиббиётчилар ора кирди.

Яқинда пойтахтимиздаги темирйўлчилар шифохонасида соғлиғимни тиклаб қайтдим. Саломатлигимга масъул бўлган ажойиб инсон, республикада хизмат кўрсатган шифокор Лутфулла Тожихонов, Шуҳрат Ёқубжоновдан бир умр миннатдорман. Қўллари дард кўрмасин, кам бўлмасинлар.

Ҳозирги кунда қадрдон боғроғларим — Юқори Чирчиқ районидаги «Прогресс» давлат хўжалигида меҳнат қиляпман. Назаримда яна белда қувват, дилда иштиёқ пайдо бўлгандек.

Холбой РЎЗИМАҒОВ,
Тошкент вилояти.

* * *

Шунингдек, рўзномамизга муштарийларимиздан А. Расулов, Э. Орипов, Р. Абдуллаев, С. Исмоилов, У. Жўраев, Ш. Бекмирзаев, А. Бурхонов, Р. Жаъфаров, Р. Матёқубова, Э. Усмонов, Х. Холлиев, Т. Остонақулов, А. Левитос, Т. Шарипов, Т. Сулаймонов ва бошқалар ҳам турли мавзуларда мактублар йўллашган.

• *Бош кўргазмамизда*

ЎТМИШДАН ЛАВҲАЛАР

Тошкентдаги Республика Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида «Ўзбекистоннинг ҳужжатли хотиралари» мавзуида кўргазма ташкил этилди. Бу тадбир ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Бош архив бошқармасидир.

Томошабинлар нигоҳи олдида инқилобга қадар бўлган Туркистон қиёфаси жонланди. Ўрта Осиё халқлари этнографияси материаллари, қадимий «Машаджар» алфавитининг фотонусхаси ва бошқа кўплаб намойиш этилган кўргазмалар бу ерга ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, Туркистонда илк фабрика, завод, майда саноат даргоҳлари ташкил этилиши хусусида рўйхатлар, миллий буржуазия ва маҳаллий ишчилар синфи ҳаётини акс эттирувчи сурат ва ҳужжатлар бор. Кутубхона жамғармасидаги ноёб китоблар намунаси ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, халқимиз ўтмишига бағишланган бундай хайрли тадбир бугунги мустақил Ўзбекистон халқига жуда зарурдир.

В. АПАСОВА,

Миллий қадрият, расм-русмларимиз ўз азалий тусини олмоқда. Бу янги ҳаётга қадам қўяётган ёш келин-куёвларнинг тўйларида ҳам ажойиб анъанага айланиб бораётганлиги гоят қувонарлидир.

Сиз ёш келин-куёвлар — вобкентлик ишчи Бахшилла Одилов ва боғча тарбиячиси Ҳалима Исаевларни қадимий миллий либосда кўриб турибсиз. Бунга ҳавас қилса арзийди.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ДИҚҚАТ! ТИББИЁТДА ЯНГИЛИК!

Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳрида «Свенас» Америка-Австрия ва Совет қўшма тиббий бирлашма корхонаси ўзининг электропунктур этиологик-касалликни аниқлаш ва биологик фаол суюқлик билан даволаш марказини ташкил қилди. Бу усулга асос солганлар Америка-Австрия ва Совет олимларидир. Бу усул билан одам организмидаги ички аъзолар функционал ҳолатининг биоқувватини ўлчаш йўли билан ва ҳамма касалликлар, ҳатто киши ўзи ҳам билмаган касаллик ва бошқа ахборотларнинг Этиологияси (сабаби)ни 40—60 дақиқада аниқлаб беради. Ускуна эса биологик фаол суюқликни тайёрлаб беради. Суюқлик таркибида гомеопатик, аллопатик ва бошқа биологик моддалар, гиёҳлар бўлиб, бутун дунёга машҳур француз табиби Шаарет усулига асосланган.

Биологик суюқликни ўзингиз билан олиб кетиш учун 1 литр сиғимдаги термос олиб келинг.

ХАСТАЛАНДИМ ДЕБ, АФСУСЛАНМАНГ, КЕЛИНГ, ДАРДИНГИЗГА ДАВО БЎЛАЙЛИК!

Манзилгоҳимиз: Андижон вилояти, Шаҳрихон шаҳри, К. Маркс кўчаси, 35-уй. Пахта тозалаш заводини даволаш бўлими.

Телефонлар: 2-38-86, 2-26-89.

Ўрта Осиё темир йўлининг йўл қурилиш трестига қарашли

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНОЛОГИК БОШҚАРМАСИГА

кўприкли кран бошқарувчилари, бетончилар, қолипловчилар: ускуналарни ва ёғочни қайта ишловчи дастгоҳларни таъмирловчи чилангарлар; газ-электрпайвандчилар, электрчилар, такелажчилар (юкни туширувчилар); янчиб-ажратувчи ускуналарнинг операторлари, қозонхона газмазут хўжалиги машинистлари; кабель ва трансформатор қурилмаларига хизмат кўрсатувчи электрчилар, темирбетон маҳсулотлари цехининг бошлиғи, металл конструкциялари цехининг бошлиғи, бош механик, механик, иқтисодчи, юкларни ташиб турувчи тепловоз машинистлари

КЕРАК

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Бектемир ноҳияси, Бинокор қўрғони (Қўйлиқ бозоридан 160-автобуснинг «Темирйўлдан ўтиш» бекати).

«ГРАНИТ» ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ-ТЕХНОЛОГИЯ БИРЛАШМАСИ

корхоналарда, муассасаларда ва ҳар бир хонадонда ичимлик сувини ишлаб чиқаришга мослаштирилган «Исток—2» маиший қурилмасини сотади ва монтаж қилиб беради.

Қурилмадан олинадиган, тўла тозаланган, кейин эса сунъий равишда минераллаштирилган ичимлик суви ажойиб таъм хусусиятларига эга:

— физиологик тўла қимматлилик ва энг мақбул физик-кимёвий таркибга эга;

— кайфиятни кўтаради, иш қобилияти ва жисмоний чидамлиликни оширади;

— жуда кўп касалликлардан сақлайди, масалан: флюороз, эндемик бўқоқ, ошқозон аллергияси, буйрак ва ўт пуфагида тош пайдо бўлиши ва бошқалар.

Қурилма тўлиқ автоматлаштирилган, маиший электр тармоғи ва водопроводга уланади.

ҚУРИЛМАНИНГ ТАВСИФИ:

— Минерализаторнинг асосий хусусиятлари: натрий, магний, калий, фтор, йод, сульфатлар, хлоридлар;
— ишлаб чиқариш қуввати: бир кунда 20 литр;
— электр қуввати — 1,0 киловатт;
— тахминий баҳоси — 1000 сўм. донаси;
— кафолати — 5 йил.

Қурилманинг асосий ўлчамлари 1100 х 400 х 250 мм.

Уланиш телефонлари: 77-03-70, 77-48-75, 77-77-40.

Манзилимиз: 700107, Тошкент шаҳри, Қирққиз кўчаси, 10-уй.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

Ўзбек халқининг бой адабий меросини тарғиб этиб келмоқда. Кейинги вақтларда музейда «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» ҳамда «Навоий ҳаёти ва адабий мероси» кўргазмаси қайта таъмирланиб, янги санъат асарлари билан бойитилди. Бу эса адабиёт мухлисларида катта қизиқиш уйғотиши табиий. Зеро, бу йил жумҳуриятимизда улуғ бобомиз Алишер Навоий йилидир.

Биз адабиётимиз ихлосмандларини музей кўргазма хоналарига таклиф этамиз. Сизлар бу маскандан олам-олам маънавий озиқ олишингизга ишончимиз комил. Қимматли ва қизиқарли санъат асарлари Сизларни бефарқ қолдирмайди.

Музейда ҳисоб-китоб нақд пул тўлаш ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек, музей турли ташкилотлар билан адабий мажлислар, турли мавзуда анжуманлар ўтказиш учун шартномалар тузади. Музейга жамоа бўлиб келиш учун олдиндан буюртмалар ҳам қабул қилинади. Музей ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача, шанба кунлари эса 10.00 дан 14.00 гача ишлайди. Дам олиш куни — якшанба.

Манзилгоҳимиз: Тошкент — 700011, Навоий кўчаси, 69-уй.

Телефонлар: 41-02-75, 41-01-34, 44-12-68.

Ҳисоб рақамимиз: ТОШКЕНТ ШАҲАР ОКТЯБРЬ НОҲИЯСИ ПСБ да 002609528. Код 172682301.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ИЖАРАЧИ ТАЪМИРЛАШ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ «Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ТАЪМИРЛАШ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ» ЖАМОА КОРХОНАСИГА

АЙЛАНТИРИЛДИ

Жамоа корхонаси «Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ижарачи таъмирлаш-қурилиш бошқармаси»нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 23-уй.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш материаллари вазирлиги жамоаси вазирликнинг собиқ ходими

Шукур Раҳимович МУТАЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу-билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурияти Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Педиатрия илмий-тадқиқот илмгоҳи жамоаси неонатология бўлимининг илмий мудираси, тиббиёт фанлари доктори М. М. Азимжоновага умр йўлдоши

Акром Ғаниевич ҒАНИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-52-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 23.00

№ 223.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.